

**ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИДА МОДДИЙ  
ТЕХНИКА БАЗАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ ЎҚУВ АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ .**

**Мамараимова Гулнора Юсуповна**

*Оқолтин тумани касб-хунар мактаби ишлаб чиқариш таълими устаси*

**Мирзахужаев Зафаржон Комилжон ўғли**

*Оқолтин тумани касб-хунар мактаби махсус фан ўқитувчиси*

**Абдурахманова Раъно Абдубакиевна**

*Оқолтин тумани касб-хунар Умумтаълим фан ўқитувчиси*

**Аннотация:** *Мазкур мақола “Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида моддий техника базаларини ҳисобга олиб ўқув амалиётини ташкил этиш йўллари ” деб номланган.*

*Мақола амалий таълимнинг асосий вазифалари – келгусида малакали мутахассис бўлиб етишаётган ўқувчиларни муайян касб соҳасида бевосита фаолият кўрсатишга тайёрлашдан, касб соҳасидаги меҳнат фаолиятини бажариш бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмунларини эгаллашларини таъминлашдан, билимларни амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш ҳамда, зарур касб кўникмаси ва малакасини шакллантиришдан иборатлиги ёритилган*

*Амалий таълимни ташкил этиш тартиби ва касб-хунар таълими муассасалари устахоналарини моддий техник базаларини ҳисобга олиб ўқув амалиётини ташкил этиш йўллари, ўқув-амалий машғулотларни ўтказишда гуруҳ ўқувчиларининг берилган топшириқни бажариш ва кўникма ҳосил қилиш шакллари, иш жойларини ташкил этиш усуллари, касблар ва ихтисосликларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўқув амалиётларида ўқув юкламасини белгилаш тартиблари, ўқув-амалиёти ўтказиш даврини ўзгартириш, ўқув амалиёти машғулотини ўтказиш учун тайёргарлик ишлари, ўқув амалиёти машғулотини ўтказиш босқичлари, ўқув амалиёти машғулотида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини баҳолаш мезонлари кенг ёритилган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *касб соҳаси, инновацион технология, ҳалқаро стандарт таснифлагичи, профессионал таълим,технология,метод, интерактив метод, рақобатбардош мутахассис,субъект, разряд, синф, категория жамоавий (фронтал), кичик гуруҳ(звено) ва индивидуал (якка тартибда),назарий-виртуал усул,слубий психологик-педагогик .*

*Касб-хунар таълими тизимида амалий таълим ва ишлаб чиқариш таълими ўқув жараёнининг узвий қисмидир. Ўқувчилар ўзлари танлаган йўналишлар бўйича ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари даврида ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашларида касбий таълим бўйича ишларнинг тўғри ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки бугунги ўқувчининг эртага ўз*

танлаган соҳаси бўйича қандай мутахассис бўлиб етишиши айнан шу жараёнга боғлиқдир.

Амалий таълимнинг асосий вазифаси – келгусида малакали мутахассис бўлиб етишаётган ўқувчиларни муайян касб соҳасида бевосита фаолият кўрсатишга тайёрлашдан, касб соҳасидаги меҳнат фаолиятини бажариш бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмунларини эгаллашларини таъминлашдан, билимларни амалиётга тадбиқ этишга ўргатишдан, зарур касб кўникмаси ва малакасини шакллантиришдан иборат

• Амалий таълим бу ақлий, жисмоний фаолият натижасида касбий билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган ўқув жараёнидир.

Амалий таълимнинг мазмуни тегишли касбдаги мутахассиснинг меҳнат фаолиятини ҳамда малака даражасини (разряд, синф, категория ва ҳоказоларни) таҳлил қилиш асосида белгиланади. Бундай таҳлил шуни кўрсатадики, кичик мутахассиснинг меҳнат фаолияти касбидан қатъий назар қўйидаги вазифаларни режалаштириш; тайёргарлик; амалга ошириш; назорат; ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш вазифаларини ўз ичига олади

Ўқув муассасасида ўқувчиларга амалий таълим беришнинг асосий вазифаси – уларга ўз касблари учун хос бўлган ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш, тайёрлаш, амалга ошириш, назорат қилиш ва хизмат кўрсатишга ўргатишдан иборат ҳамдир.

Амалий таълим жараёни таълимнинг турли методларидан фойдаланилган ҳолда турли босқичда амалга оширилади.

Ўқувчиларнинг кўпчилик касблар бўйича амалий касбий таълими учта босқичга:

а) ўқув устахоналарида, ўқув майдонларида, ўқув лабораторияларида, ўқув муассасасининг ўқув хўжаликларидаги ишлаб чиқариш таълими;

б) ишлаб чиқариш шароитлари (корхоналарда, қурилишларда, хўжаликларда) ишлаб чиқариш таълими;

в) ишлаб чиқариш таълимига бўлинади.

Ҳар бир босқич ўзига хос мақсадга ва ўқув жараёнида ўз ўрнига эга бўлиб, касб хусусиятига қараб улар турли муддатли бўлади ва у ишлаб чиқариш таълими дастури билан белгиланади. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими устози раҳбарлигида амалга оширилади. Бу устоз ўзига бириктирилган гуруҳга ўқув муассасасида таълимнинг бошидан охиригача раҳбарлик қилади

1. Устахона тўлиқ жиҳозланган касб-хунар коллежида ўқув амалиёти талаб даражасида ўтказилади.

2. Устахона тўлиқ жиҳозланмаган касб-хунар коллежида ўқув амалиёти амалий ва назарий-виртуал усулларда ёки жойлардаги ишлаб чиқариш базасида, жиҳозланган устахонаси мавжуд бўлган бошқа таълим муассасасида шартнома асосида ўтказилади.

3. Устахона мавжуд бўлмаган ёки жиҳозланмаган касб-хунар коллежида ўқув амалиёти жойлардаги ишлаб чиқариш базасида, жиҳозланган устахонаси мавжуд бўлган бошқа таълим муассасасида шартнома асосида ўтказилади ёки коллежда назарий-виртуал усулда ташкил этилади.

а. Гуруҳли (жамоавий )

б. Кичик гуруҳларда

в. Якка тартибда (индивидуал)

Маълумки, амалий машғулотлар қуйидаги жамоавий (фронтал), кичик гуруҳ(звено) ва индивидуал (якка тартибда) ўқитиш шаклларида олиб борилади. Бу шаклларда ўтказишнинг ўзига хос ижобий ҳамда салбий томонлари мавжуд.

Жамоавий шаклда амалий машғулотларни ўтказиш пайтида гуруҳдаги барча ўқувчилар бир мавзудаги ва мазмунан бир тур таълим фаолияти билан шуғулланади. Жамоавий шакл анча моддий ва методик таъминотни талаб қилади. Масалан, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида амалий машғулотларнинг асосий вазифаларидан бири бу ўқувчиларда механизмлар, машина-агрегатларни қисмларга ажратиш-йиғиш, иш режимига ростлаш каби операциялар (жараёнлар) бўйича пухта кўникмаларни шакллантиришдир. Ўқувчи ўз қўли билан муайян жараённи бажариши лозим, шундагина уларда керакли кўникмалар шаклланади. Мазкур талабларни бажариш учун иш жойи моддий ва методик жиҳатдан етарли даражада таъминланган бўлиши лозим. Масалан, “Трактор-автомобиллар тузилиши ва техник хизмат кўрсатиш” фани бўйича “Илашиш муфтлари” мавзусидаги амалий машғулотларни ўтказганда ҳар 3-4 ўқувчи олдида комплект ҳолдаги илашиш муфта нусхалари бўлиши керак. Шунда ўқув гуруҳи учун камида 8-10 илашиш муфтлар нусхалари талаб этилади. Бундан ташқари, методик кўрсатмалар сони ҳам шундан кам бўлмаслиги керак. Ҳозирги кунда бундай шароитларни ҳар бир мавзу бўйича етарли даражада таъминлаш қийинчилик туғдирмоқда.

Жамоавий шаклнинг ижобий томонларидан бири шундаки, амалий машғулотлар бевосита назарий машғулотлардан сўнг олиб борилади. Жамоавий шаклни “Чилангарлик ишлари” ўқув амалиётининг баъзи мавзуларини ўтганда қўллаш мумкин. Масалан, “Эговлаб текислаш” (опиловка) каби мавзуларида, бунда талаб этиладиган миқдордаги иш жойларини зарур жиҳозлар, ускуналар, мослама (верстак, тиски, эгов, заготовка)лар билан таъминлаш қийин эмас. Юқоридагиларга асосланиб қуйидагиларни тавсия этиш мумкин: Агар ўқувчиларнинг ҳар бир иш жойлари моддий ва методик жиҳатдан талаб даражасида таъминланган бўлса, амалий машғулотларни жамоавий шаклда ўтказиш мумкин. Акс ҳолда ўқувчиларнинг кўпчилиги томошабинга айланади.

Кичик гуруҳ(звено)нинг мазмуни шундан иборатки, амалий машғулотлар бир неча мавзулар бўйича бир вақт давомида ўтказилади ва ўқув

материалининг бир қисми (блок)ни қамраб олади. Ўқувчилар гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Кичик гуруҳлардаги ўқувчилар таркиби кўпи билан 3-5 нафар ўқувчидан ошмаслиги тавсия этилади. Кичик гуруҳлар таркибида етакчиси бўлиши керак, етакчи ўзлаштириш даражаси яхши, талабчан ўқувчидан танланади. Ўтиладиган мавзулар ва кичик гуруҳлар сони бир-бирига тенг бўлади. Шунга қарабиш жой (пост)лари ташкил қилинади. Умуман, иш ўринларни деб муайян фаолиятни самарали бажариш учун талаб қилинган жиҳозлар билан таъминланган жойига айтилади. Албатта, амалий машғулоти ўтказиш учун кичик гуруҳлар алмашилиш жадвали тузилади.

Кичик гуруҳларда ишлашнинг ижобий томони шундаки, ҳар бир иш жойини моддий ва методик жиҳатдан етарли даражада таъминлаш осонроқ. Бугунги кунда таълим муассасаларининг шароитини ҳисобга олган ҳолда амалиётларни кичик гуруҳларда ўтказиш энг қулай ва самаралидир.

Индивидуал ўқитиш-ўқувчига алоҳида ёндошган ҳолда таълим-тарбия бериш. Ўқитувчининг ўқувчига яқка тартибда олиб борадиган ўқув машғулоти шакллари билан бири бўлиб, ўқитувчининг ўқувчи билан олиб бориладиган алоҳида фаолият туридир. Ўқув жараёнини ташкил этиш индивидуал ёндашиш асосида ўқитиш йўллари, усуллари ва турли ўқув-услубий психологик-педагогик ҳамда ташкилий бошқарув тадбирлари орқали олиб борилади.

Фаол таълим омилларидан фойдаланиш асосида махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари махсус фан ва амалий машғулоти ўтишда замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларни дарсларга тўлиқ тадбиқ этиш орқали мустақил республикамиз учун юқори малакали, кенг иқтисосли, меҳнат бозорида рақобатбардош кичик мутахассис кадрлар тайёрлаш каби муаммолар ечимини топишади ва ўз олдиларига қўйган мақсад-натижаларга эришишади.

Инновацион технологиялар асосида ёш авлоднинг билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатларини шакллантириш, кичик мутахассис эгалаши керак бўлган лавозим, вазифаларга талаб даражасида ишлаши, етарли ва зарур даражада ҳамда кенг кўламдаги билим хатти-ҳаракат усуллари ҳамда шахсий фазилатлар Давлат таълим стандартларида ўз ифодасини топаолади. Ватанимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшаоладиган кадрлар тайёрлаш мақсадига эришилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтиш жоизки касб-хунар таълими тизимида амалий таълимга эътибор катта. Лекин шу билан бир қаторда камчиликлар ҳам учраб туради. Жумладан:

1. Моддий техника баъзасининг етишмаслиги;
2. Мутахассис ўқитувчиларнинг етишмаслиги;

3. Мутахассисларнинг замонавий технологиялардан тўлиқ фойдалана олмаслиги;

4. Ишлаб чиқариш амалиётларида амалиёт базалари талаб даражасида эмас;

5. Ишлаб чиқариш амалиётини ўташ жараёнида айрим ҳудудларда корхона ва ташкилотларнинг етишмаслиги.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида ушбу таклифларни баён қиламиз:

1. мақолада инобатга олинган идоравий таълим муассасалари билан ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузиш;

2. Замонавий моддий-техника баъзасини инвестиция орқали олиб кириш;

3. Махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини малакасини мунтазам ошириб бориш ҳамда қайта тайёрлаш;

4. Касб-ҳунар таълими тизими ўқув режасида кўзда тутилган амалий соатларини кўпайтириш лозим

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз –Т.: “Ўзбекистон” 2016 йил.

2. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қаътий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” – Т.: “Ўзбекистон” 2016 йил.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонун(1997 йил 29 август).

3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун (1997 йил 29 август).

4. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари” тўғрисида”ги Қонун (1991 йил 20 ноябрь).

5. “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги 1761-сон қарори.

6. “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги 242-сонли қарори.

7. “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассаларига ёрдам кўрсатиш юзасидан олий таълим муассасалри билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 14 мартдаги 109-сонли буйруғи.

8. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами.- Т. ЎМКХТМ, 2005.-246 б.

9. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбарлари учун меъёрий ҳужжатлар тўплами. 3-қисм.-Т.: “Янги аср авлоди”, 2010.- 460 б.

Илмий ва ўқув адабиётлар

10. Зикриллаев Н., Тураев Х. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш омиллари // Академик лицей ва касб-хунар коллежлари фаолиятини такомиллаштиришда олий таълим муассасалари олдида турган долзарб вазифалар / Илмий-амалий конференция материаллари.- Т.: ТошДТУ, 2015. 14-16-б.

11. Таълим. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-ж.- Т.: “ЎЗМЭ ДИН”, 2004. 307 - 308-б.

Интернет сайтлари

[www.bilim.uz](http://www.bilim.uz)- ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.

[www.ziyo.edu.uz](http://www.ziyo.edu.uz) - ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.

[www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz) - ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти